



СИЁСИЙ ПУЛЬС

ҲАР БИР ЁШ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА



Ўзбекистон ёшлари — бу фақатгина ёш авлод эмас, миллатнинг эртанги кунни, орзулари ва умидларидир.

Ўзбекистон ёшлари — бу янги ғоялар, янги кашфиётлар, янги марралар демакдир. Улар қийинчиликдан қўрқмайди, тўсиқлар олдида ортга чекинмайди. Чунки уларнинг кўзларида келажакка бўлган дадил ишонч, юракларида эса Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси бор.

Ўзбекистон ёшлари — эртанги раҳбарлар, кучли олимлар, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар, донғи кетган спортчи, санъаткорлар ва ҳақиқий қаҳрамонлардир. Улар замон билан ҳамнафас, дунё билан беллашишга тайёр авлоддир.

Ўзбекистон ёшлари — бу ҳаракат, бу шижоат, бу жасорат! Кеча Кўксарой қароргоҳида Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотини кузатиб, Ўзбекистон

ёшлари ҳақида кўз олдимда ана шундай қудратли тўлқин гавдаланди. Бу тўлқинни ҳеч қандай тўсиқ тўхтата олмайди. Чунки улар оддий ёшлар эмас, улар миллатнинг уйғоқ нафаси, Янги Ўзбекистоннинг ишончи, ислохотлар давомчиси, ёнаётган кучли иштиёқ ва “мен қиламан!” деган ироданинг исботи.

► (Давоми 3-бетда)

АКС-САДО

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Қорақалпоғистонни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, Оролбўйи аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратиш йўлида амалга оширилаётган оқилона сиёсат ва тизимли ёндашув нафақат бу ҳудуддаги экологик, ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал этди, балки уларни илдизи билан тугатиб, одамлар қалбида шукроналик ва келажакка юксак ишонч туйғусини мустаҳкамлади.

► (Давоми 4-бетда)



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ:

ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ДРАЙВЕРИ



Миллий иқтисодиётнинг билим ва юқори технологияларга асосланган янги архитектураши шаклланаётган шароитда Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саноат соҳасини чуқур модернизация қилиш ҳисобланади. Белгиланган стратегик курс хом ашёга йўналтирилган моделдан юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, илғор рақамли ечимларни жорий этиш ва корпоратив бошқарув стандартларига қатъий риоя қилишга қаратилган.

► (Давоми 6-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ДОЛЗАРБ, ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Бу галги ййғилиш ҳам жуда қизғин ва мунозараларга бой тарзда ўтди.

Анъанавий тартибга мувофиқ, кун тартибидан ўрин олган масалалар изчил кетма-кетлик асосида кўриб чиқиладиган бўлди. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш асосида фаол депутатлар сўз сўраб, айрим нормаларга изоҳ талаб қилиб, таклиф-эътирозларини илгари суришди. Яна бир гуруҳ халқ вакиллари ташаббускорлардан қонун лойиҳасига эътиёжнинг асосларини, унинг мақсади ва ҳар бир жумланинг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтириб беришни астойдил талаб қилди.

► (Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

АНИҚ ВА МАНЗИЛЛИ ЁНДАШУВ

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



УЙ-ЖОЙ УЧУН АЖРАТИЛГАН СУБСИДИЯЛАР ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ



МУЛОҲАЗА

ЙЎЛЛАРДАГИ ТЕМИР ПАНЖАРАЛАР

ТОШКЕНТГА “ҲУСН” БЎЛАДИМИ?



ПАРЛАМЕНТДА

ДОЛЗАРБ, ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ялпи мажлисни кузатар экансиз, демократия шунчаки тушунча эмас, балки очик муҳокама, турли фикрлар тўқнашуви ва қарорларни биргаликда қабул қилиш жараёни экани яна бир бор намоён бўлади. Депутатларнинг савол бериши, изоҳ талаб қилиши ва таклиф билдириши эса қонунлар пухта ва асосли бўлишига хизмат қилади.

БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИНИНГ МАЪРУЗАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мажлисда дастлаб Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсман)нинг 2025 йилдаги қонунчилиikka давлат органлари томонидан риюа этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Болалар фаровонлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида тарихий ислохотлар амалга оширилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги нормалар киритилди. Жумладан, Бош қонусимизда боланинг ҳисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилиб, бу борада давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари кенгайтирилди.

2025 йилда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган 6 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та фармони ва 6 та қарори қабул қилинди. Мамлакатимиз болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган глобал ташаббус — “Богота ҳаракатлар қақирув”га қўшилди ҳамда Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянс аъзолигига қабул қилинди.

Болалар омбудсмани маърузасига кўра, 2025 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан 1934 та мурожаат келиб тушган.

Вакилга бевоасита болалар томонидан 42 та мурожаат йўлланган бўлиб, бу жами мурожаатларнинг 2,17 фоизини ташкил этган. 2025 йилда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 35 та шахсий қабулида 141 нафар фуқаролар қабул қилиниб, уларнинг мурожаати кўриб чиқилган.

Мурожаатлар таҳлили ва мониторинг фаолияти асосида бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилгани юзасидан жами 36 та таъсир ҳужжати — 2 та огоҳлантириш, 6 та тақдимнома, 25 та хулоса ва 3 та суд ҳужжати устидан протест келтириш тўғрисида илтимоснома киритилган. Мурожаатларни ўрганиш асосида болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатлари юзасидан 19 та жиноят иши ҳамда 26 та маъмурий иш кўзғатилган.

Шунингдек, ўтган даврда боланинг моддий таъминоти юзасидан жами 403 млн.745 минг сўмлик алимент қарздорлигини ундиришга кўмаклашилиб, 52 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат божии ва бошқа тўловларсиз ID-карталар расмийлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатилган.



Ўтган даврда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан бола ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишида ҳам 20 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилган. Хусусан, Ўзбекистон ташаббусига кўра, 2025 йил 11-12 сентябрь кунлари биринчи халқаро форум ўтказилган. Ушбу тадбир якуни бўйича минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси сифатида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Болалар омбудсманлари томонидан “Марказий Осиё давлатларида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги биринчи халқаро форумнинг Декларацияси имзоланган.

Депутатлар томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ўтган йилдаги фаолияти якунлари ҳамда давлат органлари томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилиikka риюа этиш ҳолати ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бола манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича қатор тавсиялар берилди.

Мажлисда сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ҳам Болалар омбудсмани маърузаси юзасидан ўз муносабатларини билдириб ўтишди. Мунозаралардан сўнг, кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ОВ ҚИЛИШ ВА ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Мажлисда ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси ов қилиш ва овчилар тайёрлаш тартибини тизимлаштириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, овчилик хўжаликларида биохилма-хилликни сақлаш ва кўпайтириш, ов туризми инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Қурол тўғрисида”ги ҳамда “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги қонунларга ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳасида ов қилиш жараёнлари шаффофлигини оширишга қаратилган нормалар акс этмокда. Шу билан бирга, овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкалари) ни бериш махсус электрон дастур орқали амалга оширилиши, улар асосида мавсумий ёки бир марталик овни амалга ошириш ҳуқуқи тақдим этилиши кўзда

тутилмокда.

Бундан ташқари, ов қилиш фақат овчилик хўжаликларига бириктириб берилган ов қилиш жойларида амалга оширилиши белгиланяпти. Бу эса ов қилиш устидан назоратни кучайтириш ҳамда ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш ва уларнинг табиий захирасини асрашга хизмат қилади. Шунингдек, ов қилишни режалаштириш, рухсат этилган ҳудудлар ва муддатларни белгилашда ягона тизим асосида иш юритиш назарда тутилмокда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, овчилик маданиятини ошириш ҳамда соҳани барқарор ривожлантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Шунингдек, мажлисда “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.


Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасида судлар мустақиллигини таъминлашга оид муҳим масалалар — суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштиришнинг умумий қоидалари, асосий принциплари такомиллаштирилмокда. Шунингдек, молиялаштиришнинг манбаси, асоси ва ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилмокда.

Хусусан, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг суд ҳокимияти органларини молиялаштиришга оид қисмини суд ҳокимияти органлари билан келишиш тартиби ҳамда ушбу лойиҳанинг Қонунчилик палатасидаги муҳокамаларида Олий суд, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши ва Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти вакилларининг иштироки назарда тутилмокда.

Бундан ташқари, суд ҳокимияти органлари фаолияти учун ажратилган маблағларни тақсимлаш ва тасарруф этиш тартиблари акс этмокда.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очикликини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.



ЯЛПИ МАЖЛИСНИ
КУЗАТАР ЭКАНСИЗ,
ДЕМОКРАТИЯ ШУНЧАКИ
ТУШУНЧА ЭМАС, БАЛКИ
ОЧИҚ МУҲОКАМА, ТУРЛИ
ФИКРЛАР ТЎҚНАШУВИ
ВА ҚАРОРЛАРНИ
БИРГАЛИКДА ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ
ЭКАНИ ЯНА БИР БОР
НАМОЁН БЎЛАДИ.
ДЕПУТАТЛАРНИНГ
САВОЛ БЕРИШИ, ИЗОҲ
ТАЛАБ ҚИЛИШИ ВА
ТАКЛИФ БИЛДИРИШИ
ЭСА ҚОНУНЛАР ПУХТА
ВА АСОСЛИ БЎЛИШИГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Мажлисда ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёнгинларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш, фуқаролар ҳаёти ҳамда соғлиги, жисмоний ва юридик ёнгин хавфсизлигини таъминлаш имкониятини берувчи яхлит ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмокда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, ёнгин хавфсизлиги соҳасида комплекс ҳуқуқий, ташкилий ва профилактик чора-тадбирлар ва механизмларни тўлиқ яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда превентив чораларни кучайтириш зарурати юзага келмокда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят кодексларига тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмокда.

Жумладан, биналарнинг тоифасидан келиб чиқиб, техник талаблар, хусусан, ёнувчан қурилиш материалларини ишлатишни тақиқлаш ва ёнгин натижасида етказилган зарарни

қоплашдан ташқари айбдордан тоvon ундириш (торт лаш) институтини жорий этиш назарда тутилмокда.

Шунингдек, лойиҳа билан объектларни ёнгин хавфсизлиги талабларига мослиги бўйича аудитдан ўтказиш тартибини йўлга қўйиш белгиланмокда. Шу билан бирга, мутасаддиларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъулияти ва шахсий жавобгарлиги оширилиб, лойиҳа ва қурилиш-пудрат ташкилотлари, кўп квартиралли уйларни бошқариш органларининг ёнгин хавфсизлиги бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб бериляпти. Қонун лойиҳаси билан фуқароларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари доираси ҳам кенгайтирилмокда.

Бундан ташқари, суюлтирилган углеводород газини чакана реализация қилиш тартибини бузганлик, ёлғон ёки нотўғри аудиторлик хулосасини тузиш ёки сертификатга эга бўлмасдан аудитда иштирок этганлик учун жавобгарлик механизмлари такомиллаштирилиб, соҳада превентив чоралар кучайтирилмокда. Қолаверса, шаҳарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларига ноқонуний аралашганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланяпти.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёнгинларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича аҳоли ва ташкилотлар масъулиятини янада кучайтириш, соҳада нодавлат сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда ёнгин оқибатида етказиладиган зарарларни кафолатли қопланишига хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ САЙЛАНДИ

Депутатлар, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)ни сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 16-банди ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан Феруза Эшматова Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозимига тавсия этилди.

Мажлисда депутатлар савол-жавоб, муҳокамалардан сўнг Феруза Эшматовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозимига сайлашди.

Хулоса қилиб айтганда, очик ва ошкора муҳокамалар, турли фикр ва ёндашувларнинг эркин билдирилиши қонун ижодкорлиги жараёнининг энг муҳим шартидир. Депутатларнинг савол бериши, изоҳ талаб қилиши ва таклиф киритиши орқали ҳужжатлар янада пухта ишланади, камчиликлар бартараф этилади. Шу тарика қарорлар шошма-шошарлик билан эмас, балки чуқур таҳлил ва мулоҳаза асосида қабул қилинади. Бу эса парламент фаолиятида масъулият, очиклик ва демократик тамойиллар устувор эканини англатади.

Ўз мухбиримиз.



Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси раҳбари ўринбосари.

ИШОНЧЛИ, БАРҚАРОР ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ШЕРИК

МУНОСАБАТ

бўйича келишувлар имзоланиши халқлар ўртасидаги алоқаларни янги bosқичга олиб чиқади.

Ўзбекистон ва АҚШ парламентлараро ҳамкорлиги ҳам юқори даражада. Доимий равишда икки мамлакат парламент аъзоларининг ташрифлари амалга оширилмоқда. АҚШ Конгрессининг “Ўзбекистон бўйича кокус” (дўстлик гуруҳи) фаолияти йўлга қўйилган. Конгрессда ҳар йили икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон кунлари ўтказиб келинмоқда.

Ташрифнинг энг юқори нуқтаси жорий йилнинг 19 февраль куни «Тинчлик кенгаши»нинг Дональд Трамп номидаги Тинчлик институтида бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда Президент Мирзиёев сўзга чиқиб, Ўзбекистон тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашини ва глобал хавфсизликни таъминлашда янги механизмлар зарурлигини таъкидлади.

Алоҳида таъкидлаш керак, Президентимизнинг ташрифи АҚШда катта қизиқиш ва эътироф билан қутиб олинди. Америка томони Ўзбекистонни минтақадаги «ишончли, барқарор ва масъулиятли шерик», деб атади. «Тинчлик кенгаши» доирасидаги иштирок эса Ўзбекистонга дунёда барқарорлик ўрнатишда фаол роль ўйнашда давом этиш имконини беради.

Умуман, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 17–19 февраль кунлари АҚШга амалга оширган ташрифини тарихий воқеали сифатида баҳолаш мумкин. Бу ташриф мамлакатнинг ташқи сиёсати ва иқтисодий ривожланиш йўлида янги саҳифа очиб, тарих солномаларидан жой олди.

ушбу ташаббусда иштирок этиши бир неча стратегик омилларга асосланади. Жумладан, Ўзбекистон доимо низоларни фақат сиёсий ва дипломатик йўл билан ҳал қилиш тарафдори бўлиб келган. Шунингдек, Ўзбекистонга қайта тиклаш лойиҳаларида қатнашиш, гуманитар ёрдам етказиб бериш ва янги иқтисодий бозорларга чиқиш имконини беради.

«Тинчлик кенгаши»нинг асосий вазифаси — дунёнинг энг қанқаноқ нуқталарида, хусусан, Яқин Шарқда тинчликни барқарорлаштириш ва пост-конфликт даврида ҳудудларни тиклаш жараёнларини мувофиқлаштиришдан иборат. Кенгашнинг диққат марказида турган дастлабки ва энг муҳим масала — Ғазо секторидаги инқирозни бартараф этиш ва у ерда тинч ҳаётни қайта тиклашдир.

Президентимизнинг Вашингтонга ташрифи ва Кенгашнинг дастлабки ййғилишидаги иштироки Ўзбекистоннинг нафақат ўз минтақасида, балки дунёнинг узоқ нуқталаридаги тинчлик жараёнларида ҳам муҳим овозга эга эканини кўрсатди. Бу эса замонавий дунёдаги мураккаб геосиёсий зиддиятлар ва низолар фониди Ўзбекистоннинг очкичлик, прагматизм ва кўп векторли ташқи сиёсат йўли ўзининг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

Кутилганидек, Ўзбекистон Президентининг Вашингтонга

ишчи ташрифи ўта тиғиз ва мазмунли дастур билан ўтди. Ташриф давомида давлат раҳбари АҚШ маъмурияти вакиллари, етакчи компаниялар раҳбарлари ва халқаро молиявий институтлар етакчилари билан кўплаб учрашувлар ўтказди.

Олий даражадаги музокаралар эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштириб, анъанавий алоқаларни йирик инвестициявий битимлар билан бойитди.

Шу ўринда сўнгги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий алоқалар мисли кўрилмаган ўсиш суръатларини кўрсатди. Президентимизнинг иқтисодий ислохотлар ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари Америка капиталининг Ўзбекистонга оқиб келиши учун замин яратди. Рақамларга эътибор қаратсак, 2017 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,7 баравардан зиёд ўсган. Ўзбекистоннинг экспорти 9,1 бараварга, импорт эса 3,9 бараварга, Америка инвестициялари (ййллиқ) 64 бараварга ўсган. Америка капитали иштирокидаги корхоналар 2,1 бараварга ўсиб, 346 тани ташкил этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон экспорти таркибида хизматлар улуши юқори

бўлиб, асосан дастурлаш ва IT хизматлари етакчилик қилмоқда. Бу эса мамлакатнинг инсон капитали ва юқори технологияларга асосланган экспорт салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради. АҚШдан импорт қилинаётган маҳсулотлар асосан юқори технологик машина ва ускуналар, жумладан, ҳаво кемалари ва саноат агрегатларини ташкил этади.

Бу рақамлар шуни англатадики, Ўзбекистон АҚШ учун нафақат сиёсий, балки жуда йирик ва ишончли иқтисодий бозорга айланмоқда. Асосийси, Американинг энг илғор технологиялари ва инвестицияларининг кириб келиши мамлакатимизда юқори малакали иш ўринлари яратилишига, саноатнинг модернизация бўлишига ва халқ фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Маълумки, ўтган йили ноябрь ойида C5+1 формати доирасидаги мулоқотларда ҳам қатор муҳим натижаларга эришилган эди. Хусусан, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқот Ўзбекистон–АҚШ муносабатларини «конструктив мулоқотдан амалий натижаларга асосланган шерикликка» ўтказди. C5+1 формати ривожлантириш яъни, доимий Котибият ташкил этиш ва инвестициявий фонд тузиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Шунингдек, Америка фуқаролари учун Ўзбекистонга 30 кунлик визасиз режим жорий этилиши ва маданий меросни ҳимоя қилиш

СИЁСИЙ ПУЛЬС

ҲАР БИР ЁШ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

КЕЛАЖАК МЕЪМОРЛАРИНИНГ БУГУНГИ ЮТУҚЛАРИ

Мулоқотда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги студиялардан 60 мингдан зиёд ёшлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ййғилганларни самимий қутлаб, юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлади. Барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-ҳунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларига кўмак бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирорта ййгит-қизни эътиборсиз қолдирмаслиги зарурлиги қайд этилди.

Ютуқларга юзлансак. Сўнгги йилларда ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалини қўлга киритди.

Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган ёшларимиз 500 нафардан, ТОП-100 талиқда ўқийётган ўғил-қизларимиз 3,5 минг нафардан ошди.

Янгиликка интилувчан ёшларимиз яратган 63 та стартап лойиҳа АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар бозорига кириб борди.

Ёш спортчиларимиз халқаро ареналарда 720 та олтин, 671 та кумуш ва 854 та бронза медалининг соҳиби бўлди. Бугун ёш тадбиркорлар юртимиздаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этмоқда.

Президентимиз ушбу ютуқларни фахр билан эътироф этди. “Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг тез суръатларда ривожланаётган давлат деб эълон қилингани бизга ғурур бағишлайди”, – дея таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу ютуқлар орзу ва ҳаракатларнинг ҳамоҳанг натижасидир. Бу — яқин йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар самарасидир. Чунки ислохот — имконият яратади, имконият эса ютуқлар келтиради. Ҳар бир ютуқ эса Ўзбекистон ёшларининг иродаси ва билимдаги кучини кўрсатади.

ПАЙШАНБА “ЁШЛАР КУНИ”

Дунёда кун сайин ёшлар онгини эгаллаш бўйича янги таҳдидлар юзага келаётган шароитда барча даражадаги раҳбарлар ёшлар билан ишлаш бўйича янги иш тизимиға ўтиши зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда ҳар ҳафтанинг пайшанба куни вазирлик, идора ва ҳокимликларда “Ёшлар куни” бўлиши белгиланди.

Шу куни соҳага масъул раҳбарлар

маҳалла, мактаб ва техникумларга бориб, ёшларни эшитади ва муаммосини ҳал қилади.

Ҳокимлар ёшларнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, касб ва тил ўрганиб, ишга кириши ёки тадбиркорлик билан шуғулланишига кўмаклашади, стартапчилар билан учрашувлар ўтказиб, алоҳида маблағ ва грантлар ажратади.

Энг яхши томорқачи, фермер, саноатчи, стартапчи, ижодкор, маънавият ва бошқа соҳалардаги ёшлар учун қизиқарли мавзуларда танловлар ва ярмаркалар ўтказилади.

Бу ташаббус — фақат расмий учрашув эмас, балки ёшлар билан давлатнинг очик ва самарали мулоқоти, уларнинг орзу ва имкониятларига берилган энг катта эътибордир. Шу куни олиб бориладиган ишлар ёшлар учун замонавий билим ва касб-ҳунарни ривожлантириш, спорт ва ижодий фаолликни қўллаб-қувватлаш, янги ғоя ва стартапларни рўёбга чиқариш учун имконият яратади. Ҳар бир грант, ҳар бир маблағ ёшларга ишонч рамзи ва ирода қуввати сифатида хизмат қилади.

Бу эзгу ташаббус — Ўзбекистон ёшларини эътиборсиз қолдирмаслик ва уларнинг салоҳиятини ривожлантиришдаги тарихий қадамдир.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ЁШЛАР УЧУН 300 МИЛЛИОН СЎМГАЧА КРЕДИТ

Ёшлар иш билан банд бўлса, мамлакат ривожланади. Чунки ҳар бир ёш — бу фақат шахс эмас, бу Ватаннинг келажақдаги муҳандиси, олим ва тадбиркоридир. Шу боис, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунарга эга бўлиши учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Мулоқотда ҳар йили 600 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб, улар 1 миллионга етиши, ёшларга ўзига мос иш топиши учун шароит яратиш – энг муҳим масала экани қайд этилди.

Маълум бўлишича, ёшлар ўртасида сўровнома ўтказилганида, уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдирган. Ўтган йили ёшлар бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилган. Хусусан, “Ёшлар бизнеси”, “Келажакка қадам” дастурлари ҳисобидан 15 минг нафар ёшлар ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган ва 50 минг одамни иш билан таъминлаган.

Президентимиз ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилишини эълон қилди.

Ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллиондан 300 миллион сўмгача оширилди. Ёш тадбиркорлар лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш (ҳозир

5 миллиард сўмгача) мумкин бўлади. Инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга рухсат берилади.

Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида 1 мингдан зиёд иш ўрни яратган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очишга қизиқаётган ёшлар учун қулай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади.

ХАЛҚАРО ИНКЛЮЗИВ ЁШЛАР ОРОМГОҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Хабарингиз бўлса керак, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги "Фикрингни бер (Voice Up)" инклюзив оромгоҳини ташкил қилиб, ёшлар ташаббуси асосида ўндан зиёд лойиҳаларни амалга оширган эди.

Мулоқотда ушбу лойиҳани ҳар бир ҳудудда ўтказиб, 1 минг нафар ёшларни қамраб олиш, энг яхши лойиҳаларни тақлиф қилган ёшлар иштирокида Самарқанд шаҳрида Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил қилиш вазифаси белгиланди.

Яна бир муҳим янгиликлардан бири, "Ўсиш ва ривожланиш (Upshift)" лойиҳаси кенгайтирилиб, бу йил медиа, дизайн, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва инновация йўналишларида ҳам танлов ўтказилади. Ёшларнинг энг яхши 40 та стартап лойиҳасини молиялаштириш учун 2 миллиард сўм ажратилади.

Эътиёжманд оилалардаги ёшларни бепул ўқитишни йўлга қўйган ўқув марказлари ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади, коммунал харажатларининг ярми қоплаб берилади, ўқитувчиларга тўланган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ «кешбек»

сифатида қайтарилади.

Бу ташаббуслар — фақат молиявий қўллаб-қувватлаш эмас, балки ёшлар учун имкониятлар эшигини очиш, уларнинг салоҳияти ва орзусини рўёбга чиқаришнинг яққол намунаси, дейиш мумкин. Ҳар бир грант, ҳар бир лойиҳа бу ёшларнинг билим, ижод ва стартап имкониятларини ривожлантиришдаги энг катта қўллаб-қувватлашдир.

Шу тариқа, Ўзбекистон ёшлари нафақат ўз иқтисодлари билан намоён бўлаётгани, балки давлат ва жамият эътиборини ҳис қилиши ҳам уларни янада илҳомлантирмоқда.

МУҲИМ ХУШХАБАРЛАР

Мулоқотда техникумларда таълим дастурларини иш берувчилар талаби асосида янгилаш, дуал таълимнинг қамровини кенгайтириш, моддий-техник базасини яхшилаш бўйича взифалар белгиланди.

Ҳар йили камида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаш мақсад қилиб олинди.

Техникумларга ҳам олийгоҳлар каби "spin-off" очишга рухсат берилиб, ўқувчиларнинг стартап лойиҳаларига 1 миллиард сўмгача ажратилади. Жорий йилдан техникум ўқувчилари учун ҳам “Ишла ва саёхат қил (Work and travel)” дастури асосида 6 ой хорижда ишлаб, қўшимча даромад топиш имконияти яратилади, иштирокчиларга йўлқира харажатлари учун суда ажратилади.

Ййғилишда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, китобхонликни оммалаштириш масалалари ҳам кўтарилди.

Ёш оилалар учун уй-жой ипотека дастури доирасида кредит ставкасининг 14 фоиздан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилади.

“Китобхонлик маданиятини ривожлантириш” жамғармаси орқали энг истеъдодли ёзувчиларга ижодий буюртма бериб, бир йил давомида оийга 20 миллион сўмдан ҳақ тўлаш, энг сара хорижий адабиётларни ўзбек тилига ҳамда миллий адабиётни хорижий тилларга таржима қилиш ва чоп этиш харажатининг ярмини қоплаш белгиланди.

Янги ўқув йилига қадар энг яхши 100 та асардан иборат тўпламни тайёрлаб, барча мактаб ва техникумларга етказиш, энг фаол китобхон ўқувчиларни 10 миллион сўмдан мукофотлаш вазифаси қўйилди.

Ҳар бир иш, ҳар бир вазифа — бу ёшлар учун нафақат қўшимча даромад, балки ўзини синаш ва янги чўққиларга интилиш имкониятидир.

Ёшлар давлатнинг юраги, келажаги. Президентимизнинг эътибори, яратилаётган ҳар бир имконият уларнинг иродасини кучайтириб, келажакка ишончини мустаҳкамлаши аниқ.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

АКС-САДО



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Эътибор беринг, 8 йил олдин ҳудуд иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳажм бўйича энг охирги ўринда туран бўлса, бүгун 7-ўринга кўтарилди. Саноат маҳсулотларининг атиги 4 фоизи экспортга чиққан бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизга етди. Умумий экспорт 2016 йилга нисбатан 3,5 карра ошиб, 2,1 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Бу рақамлар шу йил 20 февраль куни Президентимиз раислигида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазибалари бўйича ўтказилган йиғилишда эътироф этилди.

Мазкур йиғилишда бегиланган кенг кўламли ва мажмуавий вазибалар ҳудуд тараққиёти учун сўнгги саккиз-тўққиз йилда амалга оширилган асрга татиғулик ишларнинг узвий давомиде, жоиз бўлса, янги босқичи, десак тўғри бўлади.

Таъкидлаш лозимки, 2017 йилдан буён давлат раҳбарининг айнан Қорақалпоғистонни ривожлантириш учун 78 та фармон ва қарорлари қабул қилинган. Улар доирасида олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, 2017 йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 4 бараварга, аҳоли жон бошига 7,5 миллион сўмдан 26,5 миллион сўмга етган. Корхоналар сони 2,5, маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари кўлами 4,2, товарлар экспорти 13,5 бараварга ўсган. Яна бир маълумот: 2017 йилда ҳудудда бор-йўғи 6 миллион доллар чет эл инвестицияси ўзлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилнинг якунига кўра 500 карра ошди. Қувонарлиси, бундай мисолларни узок давом эттириш мумкин.

Муқаррарки, қорақалпоғистонликларнинг турмуш шароитини яхшилаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор ташаббуслар ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун замин яратди. Жумладан, шу кунгача мамлакатимиз олий ўқув

юртларида Қорақалпоғистон ёшлари учун ажратилган қўшимча квоталар асосида 31 мингга яқин йигит-қизлар талабалик бахтига муяссар бўлди. Пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиабилетларни сотиб олишда 50 фоизлик имтиёз жорий этилгани, эҳтиёжманд 17 мингдан ортиқ оилалар уйлари таъмирланиб (том қисми ёпилиб), 326 та уй янгидан қуриб берилгани, тегишли хужжатларсиз қурилган 27 минг 590 уй-жойнинг мулк ва ерга ижара ҳуқуқи қонунийлаштирилгани эзгуликка йўғрилган ишларга аққол мисол бўла олади.

Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш мақсадида ҳар битта вилоятга Қорақалпоғистоннинг биттадан тумани бириктирилгани ортидан бу ерда маҳаллалар, овуллар қиёфаси янгиланди, янги тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлади. Инвестициялар кириб келди, одамлар ишли бўлди, ҳаёт ўзгарди...

Президентнинг 2023 йил 13 июлда қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эса маҳаллалар инфратузилмасини, аҳолининг турмуш шароитини янада ривожлантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Қарорга асосан Маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 452 та маҳаллаларнинг ҳар бирига 500 миллион сўмдан, жами 228 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди. Натижада ҳудудда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ёппасига бошланиб кетди. Минглаб лойиҳалар амалга оширилди. Ҳар бир лойиҳа ортида эса узок йиллардан буён ечим топмай келган, ички йўллар, электр энергияси, газ таъминоти, ичимлик суви каби муҳим ҳаётий масалалар билан боғлиқ қатор муаммолар ечимиде, бир сўз билан айтганда, инсон манфаати турибди.

Шу билан бирга, халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида 28 маҳалла янгидан ташкил этилди.



Келгуси 5 йилда ҳудуд иқтисодиётини 102,5 триллион сўмга (2025 йилда 54,3 триллион сўм бўлган), аҳоли жон бошига эса 51 миллион сўмга етказиш, саноат ва хизматлар соҳасида 7,2 миллиард долларлик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2,5 баробар ошириш режалаштирилди.

100 дан ортиқ маҳаллаларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. 80 та маҳалла биноси янгидан қурилди. Шулардан бири менинг сайлов округим ҳудудидаги, яъни Тўрткўл тумани «Ўзбекистон» маҳалласи биносидир. Очиғи, мазкур МФЙ жамоаси 2024 йилгача гоҳ киннингдир уйини, гоҳ қайсидир мактаб ёки корхона биносини ижарага олиб, фаолият юритиб келган. Нақ 71 йил деганда маҳалла ўз биносига эга бўлди. Бугун маҳалла еттилиги “Богён” канали бўйида хушманзара жойда, бунинг устига шинам ва қулай шароитда фаолият юритмоқда. Одамлар эса бу ерга эмин-эркин келиб, ўз муаммоларини айтади. Бир-бири билан мулоқот қилади, фикрлашади.

Булардан ташқари, Амударё узра Қорақалпоғистонни Хоразм билан боғлайдиган, узунлиги 423 метр бўлган янги автомобиль ва темир йўл кўприғи фойдаланишга топширилгани, Тахтакўпир туманидаги Қаратерен кўли бўйида янги этно-туристик мажмуа барпо этилгани, “Нукус-Мўйноқ”, “Нукус-Олмаота”, “Нукус-Оқтоғ” йўналишлари бўйича авиақатновлар ва “Нукус Мангистов”, “Нукус-Урганч”

йўналишлари бўйича темирйўл қатновлари йўлга қўйилгани... Қорақалпоғистонда кейинги йилларда бўй кўрсатган бундай ўзгаришлар, одамларимиз ҳаётига янгила мазмун, фаровонлик, қалбларига қувонч ва шукроналик, эртанги кунга ишонч олиб кирган тарихий янгилаишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Асосийси, бу ерда бошланган янги тараққиёт одимлари, Оролнинг қуриган тубида кун сайин бўй қўзиб, саҳрони бўстонга айлантираётган яшил олам қорақалпоғистонликларнинг турмуш тутуми, тафакқурига кўчиб, ғайрат-шижоатига, тадбиркорлик руҳига озиқ бераяпти.

20 февраль куни ўтказилган йиғилишда эса янада юксак марралар белгиланди. Жумладан, келгуси 5 йилда ҳудуд иқтисодиётини 102,5 триллион сўмга (2025 йилда 54,3 триллион сўм бўлган), аҳоли жон бошига эса 51 миллион сўмга етказиш, саноат ва хизматлар соҳасида 7,2 миллиард долларлик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2,5 баробар ошириш режалаштирилди.

Энг муҳими, жорий йил якунига қадар ишсизлик даражасини 4,2

фоизгача, камбағаллиқни 3,2 фоизгача пасайтириш, Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Чимбой туманлари ҳамда 109 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинди. Қўшимча равишда “оғир” тоифадаги Бўзатов, Қонлиқўл, Мўйноқ ва Шўманай туманлари ҳамда 90 та маҳаллада камбағаллиқни 2 баробар қисқартириш вазибаси қўйилди. Ҳудуд учун ишлаб чиқилган йирик инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Туризмни ҳудуднинг асосий драйверларидан бирига айлантириш зарурлиғи қайд этилди. Шунга кўра, “Борса келмас” туз кони ҳудудида туризм-рекреация зонаси, Оролбўйи ва Устюрт платосида Марс сайёраси манзарасини эслатувчи нуқталарда глэмпинг зоналари ташкил қилинади. Орол денгизи қуриши оқибатларини бутун дунёга намойиш қилиш учун Орол денгизи тарихи музейи замонавий технологиялар асосида модернизация қилинади. Бу ишлар ҳисобида жорий йилда Қорақалпоғистонга 500 минг хорижий ва 3 миллион маҳаллий сайёҳ жалб этилиши, машхур туроператорларга ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш учун қўшимча имтиёзлар берилиши назарда тутилган.

Интеллектуал лойиҳалар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича янгила тизимни Қорақалпоғистондан бошлаб белгиланди. Ёшлар ижтимоий-иқтисодий марказида ИТ университети ва стартаплар учун технопарк ташкил этиладиган бўлди. Сунъий интелектни ривожлантиришга 5 миллиард доллар хорижий инвестициялар киритилиб, маълумотларни қайта ишлаш, “булутли” маълумотлар ва ҳисоблаш марказлари имкониятларидан фойдаланиш даражаси 10 карра оширилиши, стартап лойиҳалари учун Илм-фан ва инновациялар жамғармасидан ҳар йили 30 миллиард сўмдан ажратиб борилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Айтгандай, 2027 йил якунигача Қўнғиротда халқаро стандартларга жавоб берадиган “қуруқ порт” мақомига эга Орол логистика маркази барпо қилинади. Буларнинг барчаси Қорақалпоғистонда ислохотлар нафақат кенг қамровлилик ва изчиллик билан давом этаётгани, балки бугунги замон ва дунё талабларига мос равишда тақомиллашиб бораётганини кўрсатади. Бугун қорақалпоғистонликлар юксак хайрхоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилаётгани замирида ҳам мана шу ҳақиқат турибди.

Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи Кенгеси
депутати.

СОЛИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Ўтган ҳафтада Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Ушбу меморандум коррупциянинг олдини олиш бўйича тизимли ишларни мустаҳкамлаш, солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш ҳамда замонавий ички назорат механизмларини жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Меморандум доирасида солиқ хизматидаги ходимлар даромадлари ва харажатларини декларация қилиш тартиби жорий этилмоқда. Давлат солиқ қўмитаси маълумотига кўра, 2026 йил 1 мартдан солиқ хизмати ходимлари, шунингдек, Навоий ва Чирчиқ аҳолиси синов тариқасида даромадлар бўйича солиқ декларациясини тақдим этади.

Экспериментга кўра, жисмоний шахсларнинг харажатлари вазирилик ва идоралар маълумотлари, солиқ

органларининг махсус мобиль иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган солиқ штамплари туширилган харид квитанциялари ва электрон ҳисобварақ-фактуралар асосида ҳисоблаб чиқилади. Қолаверса, декларация соддалаштирилган шаклда махсус электрон платформа орқали тақдим этилади.

Пилот лойиҳа якунларидан келиб чиққан ҳолда янги тизим босқичма-босқич бутун республика бўйлаб йўлга қўйилиши маълум қилинди.

ЯШИРИН ДАРОМАДЛАР ОЧИҚЛАНМОҚДА

2026 йил январь ойида Ўзбекистонда камераль солиқ текширувлари чекланган ҳажмда ўтказилган бўлса-да, мазкур жараёнда 2,4 триллион сўмлик солиқ тафовутлари ҳамда иқтисодиётдаги яширин маблағлар аниқланди. Бу ҳақида Солиқ қўмитаси маълум қилди. «Мазкур рақамлар солиқ назоратининг аҳамияти ва тадбиркорлик соҳасида молиявий интизомни мустаҳкамлаш зарурлигини яна бир бор кўрсатмоқда», дейилади хабарда.

Маълумотларга кўра, 1,8 мингта солиқ тўловчисида текширувлар амалга оширилган бўлиб, бу республика бўйича фаолият кўрсатаётган 572 мингта тадбиркорлик субъектларининг атиги 0,3 фоизини ташкил этади.

Камераль текширувлар натижасида аниқланган тафовутларнинг асосий қисмини қуйидаги солиқ турлари ташкил қилади: қўшилган қиймат солиғи 1,1 триллион сўм, фойда солиғи 721,6 миллиард сўм, акциз солиғи 514,6 миллиард сўм ва даромад солиғи 51,6 миллиард сўм.

Қўрииб турибдики, энг катта



тафовутлар айнан қўшилган қиймат ва фойда солиқларида қузелтилган.

Аниқланган солиқ тафовутлари тармоқлар кесимида ҳам сезиларли фарқ қилади. Масалан, умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатишда 899,7 миллиард сўм, ишлаб чиқаришда 884,7 миллиард сўм, қурилишда эса 292,8 миллиард сўм, транспортда 232,3 миллиард сўм ва кишлққ хўжалигида 82,9 миллиард сўмни ташкил этган. Яъни энг катта тафовутлар айнан хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида аниқланган.

Қўмита ахборотида алоҳида қайд этилишича, жорий йилнинг январь ойидаги камераль текширувлар ҳажми солиқ тўловчиларнинг жуда кичик қисмини қамраб олган бўлса-да, аниқланган тафовутлар жами иқтисодиёт учун сезиларли миқдорни кўрсатган. Бу солиқ назорати фақат кенг қамровли ва самарали бўлгандагина, иқтисодиётдаги яширин даромадларни аниқлаш ва тартибга солиш имконини беришига ишора қилади.

Тоттемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи.

Уставор вазифалар доирасида депутатлик бирлашмалари томонидан 1 та қонун, 6 та Президент фармони, 13 та Президент қарори, 3 та Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси ўрганилади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсадлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг жойларда қай даражада ва қандай натижалар билан бажарилаётгани депутатлик назоратининг уставор йўналиши этиб белгиланган.

Ўрганишлар якунида аниқланган ҳолатлар депутатлик сўрови, жамоатчилик эшитувви, жамоатчилик мониторинги, муҳокама ва жамоатчилик экспертизаси каби таъсирчан назорат шакллари орқали кўриб чиқилади. Бу эса давлат органлари фаолиятида очиклик ва жавобгарлиқни кучайтириш, энг муҳими, партия электорати манфаатларини амалда таъминлашга хизмат қилади.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР
ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА

2026 йилга мўлжалланган уставор вазифалар доирасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муаммолари чуқур таҳлил қилинган ҳолда, аниқ ва манзилли йўналишлар белгилаб берилган.

Энг муҳими, мазкур ҳужжатда ҳар бир чорак учун ҳамда ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари учун биттадан аниқ масала белгиланган. Бу эса депутатлик фаолиятини тарқоқ ва умумий йўналишлардан холи ҳолда, аниқ мақсадга йўналтириш, масалаларни чуқур ўрганиш ва натижага қаратилган самарали қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Айни вақтда 2026 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий ҳимоя, бандлик, тиббиёт ва таълим соҳаларига дахлдор бир қатор муҳим қарор ва фармонлар ижроси депутатлик назоратига олиниб, ушбу йўналишларда амалий ўрганиш ва таҳлил ишлари давом этмоқда.

Куйида шу масалаларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида белгиланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилалар билан манзилли ишлаш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, 2026 йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги Ўзбекистон ХДП

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида жамиятда ижтимоий адолатни, барқарор бандлиқни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини изчил ҳимоя қилиш, арзон ва сифатли уй-жой, тиббий хизмат, таълим ҳамда коммунал хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни асосий дастурий мақсадлар сифатида белгиланган.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда партия томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик бирлашмалари фаолиятини аниқ, тизимли ва натижага йўналтириш мақсадида 2026 йилга мўлжалланган уставор вазифалар йил бошида ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат партия дастурида белгиланган гоё ва тамойилларни амалда рўёбга чиқариш, жойларда давлат сиёсатининг ижроси устидан самарали депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини таъминлашга хизмат қилади.

АНИҚ ВА МАНЗИЛЛИ ЁНДАШУВ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНING
2026 ЙИЛГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН
УСТУВОР
ВАЗИФАЛАРИ
ПАРТИЯ
САЙЛОВОЛДИ
ДАСТУРИДА
БЕЛГИЛАНГАН
МАҚСАДЛАРНИНГ
АНИҚ ҚАРОР ВА
ФАРМОНЛАР
ИЖРОСИ ОРҚАЛИ
ҲАЁТГА ТАТБИҚ
ЭТИЛИШИГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

фракцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрдаги қарори ижроси депутатлик назоратига олинди.

Ўрганиш жараёнида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ишларининг самарадорлиги, қаров даражаси ҳамда тизимнинг жойларда қандай ишлаётгани атрофлича таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, электрон ариза бериш тизимининг амалда жорий этилгани, унинг аҳоли учун қулайлиги, ижтимоий нафақаларни тайинлаш муддатларига риоя этилиши, уларнинг манзилли ва адолатли тақсимланиши алоҳида ўрганилмоқда.

Ўрганиш натижалари асосида аниқланган муаммолар юзасидан депутатлик сўровлари киритилиши, жамоатчилик эшитувлари ташкил этилиши ва тегишли таклифлар ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Қашқадарё вилоятида эса партия электорати учун энг долзарб масалалардан бири — аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳисобланади. Шу боис, биринчи чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги қарори ижросини ўрганиш белгиланди.

Ўрганиш жараёнида ёшлар учун яратилган иш ўринларининг ҳақиқий ҳолати, уларнинг барқарорлиги, имтиёзли кредит ва грантларнинг манзиллилиги, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларининг натижадорлиги ҳамда ўз-ўзини банд қилиш

механизмларининг амалда ишлаётгани чуқур таҳлил қилинади.

Ўрганиш якунлари бўйича маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ депутатлик ташаббуслари илгари сурилади.

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрдаги “Тиббиёт муассасаларини фармацевтика

маҳсулотлари ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси депутатлик назоратига олинган. Ушбу қарор тиббиёт муассасаларини замонавий дори-дармон ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, соҳада хизмат сифатини оширишга қаратилган.

Ўрганиш жараёнида тиббиёт муассасаларининг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланганлиги, жиҳозларнинг ишлаш ҳолати, улардан тўлиқ ва самарали фойдаланилаётгани ҳамда бу омилларнинг тиббий хизмат сифатига таъсири таҳлил қилинади. Шунингдек, тиббий кадрлар билан таъминланганлик, аҳоли учун тиббий хизматлардан фойдаланишдаги қулайликлар ва навбатлар масаласи ҳам ўрганилади.

Ўрганиш натижалари маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиниб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилади.

Фарғона вилоятида биринчи чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси депутатлик назоратига олинган. Мазкур фармон ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, уларни касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳаётга фаол жалб этишни мақсад қилади.

Ўрганиш жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларни

ишга жойлаштириш ҳолати, имтиёзли иш ўринлари ташкил этилгани, субсидия ва грантлардан фойдаланиш самараси, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишларининг натижадорлиги таҳлил қилинади. Натижаларга кўра, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан депутатлик ташаббуслари илгари сурилади.

Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини ўрганиш мақсад қилинган. Ушбу қарор мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш, ёшларни замонавий билим ва касбларга йўналтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган.

Ўрганиш жараёнида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, болалар ва ёшларни тўғарақлар, IT, тил ва касб-хунар йўналишларига қамраб олиш даражаси, педагог кадрлар билан таъминланганлик ва таълим сифати таҳлил қилинади.

Режалар катта бўлган жойда масъулият ҳам катта бўлади. Ҳар бир қабул қилинган қарор, режага киритилган ишлар, ҳар бир бошланган лойиҳа аҳоли ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётгани нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Бунинг учун партия ташкилотлари ва депутатлар қўлни-қўлга бериб, биргаликда, ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2026 йилга мўлжалланган уставор вазифалари партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсадларнинг аниқ қарор ва фармонлар ижроси орқали ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилади.

Демак, режага ҳамоҳанг тарзда назорат ҳам тизимли ва изчил бўлиши талаб этилади. Энг муҳими, унинг натижаси рақамларда эмас, одамлар ҳаётидаги ўзгаришда намоён бўлади. Агар ҳаётдан рози бўлса, демак, режалар ўз самарасини берапти. Ана шу ишончни оқлаш — бугун депутатларимиз олдида турган энг катта вазифадир.

Шу маънода, ушбу уставор вазифалар фақат вилоят даражасида эмас, балки барча туман ва шаҳар партия кенгашларида ҳам чоракма-чорак изчил ўрганилиб, натижалар бўйича таъсирчан депутатлик чоралари кўрилади.

УЙ-ЖОЙ УЧУН АЖРАТИЛГАН СУБСИДИЯЛАР ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси сўл ғояларга таянгани учун жамиятда кучли ижтимоий ҳимоя тизими уставор бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Партия дастурларида кам даромадли, эҳтиёжмандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар ҳамда мамлакат

ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларни манзилли рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу сабабдан, юртимиз ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган воқеаликлар, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги партия фаоллари, депутат ва масъуллар томонидан доимий таҳлил қилиб борилади.

Жумладан, Жиззах вилоятида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва тўлиқсиз оилалар ҳамда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар ажратилиши ҳолати ўрганилди.

Ўрганишлар нафақат ҳудуддаги реал вазиятни, балки, айни соҳанинг бутун республика бўйича умумий картинасини гавдалантирди. Хулосаларни муҳокама қилиш мақсадида уй-жой сотиб олиш учун

фуқароларга субсидия ажратиш ҳолатини ўрганиш натижаларига бағишланган партия гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Ўрганишларда маълум бўлишича, вилоятга 2025 йилда 1229 та уй-жойни субсидия асосида харид қилиш учун Давлат бюджетидан 105.1 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Утган йил давомида фуқаролардан ипотека кредитига давлат субсидиясини олиш юзасидан ягона портал орқали жами 22 443 та ариза юборилган бўлиб, шундан 2692 тасига ижобий хабарнома берилган.

Лекин 2025 йилда молиялаштиришда чекловлар кузатилган. Бу субсидия ажратиш ва уй-жой билан таъминлаш жараёнига таъсир кўрсатган. Субсидия ажратилган фуқароларнинг 40 фоизи ҳозиргача уй-жой ололмаган.

Ўрганиш олиб борган ишчи гуруҳ аъзолари субсидия ажратилган бўлишига қарамай уй ололмаган фуқаролар билан боғланди. Уларнинг аксарияти

мавжуд уйлар нархи ажратилган пулдан анча юқори эканлигини таъкидлашиб, белгиланган суммани қайта кўриб чиқишни таклиф қилишган бўлса, айримлари ўзлари яшаётган ҳудудда субсидия асосида олишга уй йўқлигини айтишди.

Партия гуруҳи йиғилишида субсидия ажратиш тартибини соддалаштириш, тизимда шаффофликни ва ижтимоий адолатни таъминлаш лозимлиги таъкидланди. Қолаверса, назорат механизмларини кучайтириш ва ҳудудий муаммоларни ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси республикамизнинг барча ҳудудларида ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг самарадорлигини ўрганиб, ўз электорати манфаати ҳимоясига жиддий эътибор қаратмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ:

ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИАЛ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ДРАЙВЕРИ



Акбар ФАЗИЛОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш
заводи директори.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу вазифаларнинг изчил амалга оширилишига ёркин мисол сифатида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (БНҚИЗ) фаолиятини келтириш мумкин. Корхона барқарор ўсиш суръатларини намоён этмоқда ҳамда технологик янгиланишга тизимли ёндашувни таъминламоқда.

2026 йил январь ойида корхонада юз берган янгиликлар амалга оширилаётган ислохотлар қўламини яққол намоён этди. “Ўзбекнефтегаз” АЖ раҳбарлиги остида олиб борилаётган комплекс ишлар завод фаолиятининг барча босқичлари, жумладан, ишлаб чиқариш занжирларига сунъий интеллектни жорий этишдан тортиб корпоратив маданиятни мустаҳкамлаш ва бошқарув механизмларини такомиллаштиришни ҳам қамраб олган.

БНҚИЗнинг жорий кун тартиби Президент Мурожаатномасида ҳамда Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар билан уйғунлашган.

САМАРАДОРЛИК
ИНДИКАТОРЛАРИ

2025 йил якунлари кейинги стратегик режалаштириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди ва танланган бошқарув йўналишининг тўғрилигини тасдиқлади. Корхонада асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) 108 фоизга бажарилди. Бу натижа нафақат микдорий ўсишни, балки ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларининг сифат жиҳатдан трансформациясини ҳам акс эттиради.

Юқори кўрсаткичларга эришиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ускуналар ишончилигини таъминлаш ва қайта ишлаш ҳамда маҳсулот юклаб жўнатиш режаларини қатъий бажаришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида мумкин бўлди. Шунингдек, экологик хавфсизлик ва энергия самарадорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, бу эса “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги устувор йўналишларга мос келади.

2025 йилдаги самарали фаолият 2026 йил учун янада кенг қамровли ва мақсадли дастурни шакллантириш имконини берди. Бу йил учун инфратузилмани модернизация қилиш ва ESG — экологик, ижтимоий ва бошқарув стандартлари бўйича ишларни чуқурлаштириш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

“ДОЛЗАРБ 100 КУН”
ДОИРАСИДА

Ўрта муддатли истиқболда ривожланишнинг ҳал қилувчи омили сифатида “Ўзбекнефтегаз” АЖ Бошқарув раиси А. Сангинов томонидан илгари сурилган “Долзарб 100 кун” ташаббуси хизмат қилмоқда. Ушбу дастур доирасида БНҚИЗда 2026 йилга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тасдиқланди ва у етти асосий йўналишни ўз ичига олди.

Шундай қилиб, қорхонада қуйидаги стратегик векторлар бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда:

ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – технологик жараёнларни оптималлаштириш ва табиий ресурслардан



оқилонга фойдаланиш орқали йўқотишларни камайтириш.;

техник янгиланиш – асосий қурилмаларни босқичма-босқич реконструкция қилиш ва замонавий технологияларни жорий этиш;

саноат ва экологик хавфсизлик – ички назорат тизимларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш; энергия тежамкорлиги – энергия самарадор ечимларни жорий этиш орқали таннархни пасайтириш; рақамлаштириш ва автоматлаштириш – ишлаб чиқаришни мониторинг ва бошқаришнинг рақамли инструментларини кенгайтириш;

кадрлар салоҳиятини ривожлантириш – ходимлар малакасини ошириш ва корпоратив маданиятни мустаҳкамлашга инвестиция киритиш; молиявий барқарорлик – фаолият шаффофлигини таъминлаш ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш.

Ушбу йўналишларнинг комплекс амалга оширилиши корхонанинг миллий нефтни қайта ишлаш тармоғидаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда ҳамда тармок холдинги стратегик мақсадларига эришишга хизмат қилмоқда.

операторлар учун рақамли ёрдамчилар яратиш ва саноат хавфсизлигини ошириш каби вазифаларни қамраб олади.

Ҳозирги кунга қадар 23 та лойиҳа тақдим этилди. Улар кундалик жараёнларни автоматлаштириш, логистикани оптималлаштириш, таъмирлашни режалаштириш аниқлигини ошириш ва операцион рискларни камайтиришга қаратилган. Бу эса ташаббуснинг амалий ва самарали механизм эканини кўрсатади.

Танлов натижаларига кўра энг яхши лойиҳалар сифатида 3 нафар ходимнинг лойиҳаси қабул қилинди. Ёш ишчи-ходимлардан Маъруф Шабоновнинг “Нефтни қайта ишлаш заводида операторларни тайёрлаш учун SCADA тизими ва AI асосидаги интеллектуал симулятор-тренажор” мавзусидаги лойиҳаси 1-ўринни, Асрор Мухторов, Мустақим Мухторов жамоасининг “Smart energy analyzer” – Операцион харажатларни стратегик бошқариш ва энергия самарадорлигини ошириш” мавзусидаги лойиҳаси 2-ўринни, Моҳинур Расулованинг “Хом ашё сифатини AI билан автоматик таҳлил қилиш тизими” мавзусидаги лойиҳаси 3-ўринни қўлга киритди. Ўзбекистон тарофи шундаки, Моҳинур Расулова 4 та йўналиш бўйича 6 та лойиҳа таклиф қилди. Унинг совриндорлар қаторида бўлиши аёлларнинг соҳа ривожига ўз хиссасини қўшишга тайёрлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, завод келажаги



бугундан шаклланади. Ташаббускорлик, маҳорат ва инновацияларга тайёрлик муваффақиятнинг асосий омилларидир.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ –
БАРҚАРОР КЕЛАЖАК САРИ
МУҲИМ ҚАДАМ

Завод ҳудудида қуввати 5 870 кВт бўлган қуёш электр станцияси фаолият юритмоқда. 2025 йил якунларига кўра, станция 9 миллион кВт соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарди. Бу ҳар ой ўртача 3,5 – 4 мингта хонадон истеъмолига тенг ҳажмдаги тоза энергия демакдир.

Шунингдек, ҳудудда 620 дона қуёш панелли кўча ёриткичлари ўрнатилган бўлиб, улар ташқи ёритиш тизимини деярли тўлиқ қайта тикланувчи энергия манбасига ўтказган. Натижада йилига

қарийб 670 минг кВт соат электр энергияси тежалмоқда.

Корхонада қуёш сув иситкичлари ҳам самарали ишламоқда. 48 дона 200 литрли тизим йилига 155 минг кВт соатга яқин иссиқлик энергияси ишлаб чиқариб, газ сарфини сезиларли даражада камайтирмоқда ва ёз мавсумида қозон юкламасини енгиллаштирмоқда.

Умуман олганда, завод йилига қарийб 10 миллион кВт соат “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда. Бу эса атмосферага чиқариладиган 5 минг тоннагача карбонат ангидрид газини камайтириш имконини бермоқда. Мазкур кўрсаткич йилига 2 мингдан ортиқ автомобиль чиқиндисига тенг экологик самара деганидир.

Заводда амалга оширилаётган ушбу лойиҳалар нафақат иқтисодий самарадорликни оширмоқда, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

ЗАВОДДА “ЯШИЛ”
ЭНЕРГИЯ ИНҚИЛОБИ

Завод 5 870 кВт қувватли қуёш электр станцияси билан йилига 9 млн кВт соатдан ортиқ тоза энергия ишлаб чиқармоқда. Бу ҳар ой 3,5–4 мингта

хонадонга етади. 620 дона қуёш панелли кўча ёриткичлари ташқи ёритишни деярли тўлиқ қайта тикланувчи энергияга ўтказиб, йилига 670 минг кВт соат энергия тежалади. 48 дона қуёш сув иситиш тизими эса йилига 155 минг кВт соат иссиқлик энергияси билан газ сарфини камайтиради.

Нефтни қайта ишлаш жараёнида ажралиб чиқадиган 1 255 429 м³ газ қозонхонада ёқилади, йўқотишларсиз ва атроф-муҳитга минимал таъсир билан энергия таъминланади.

ХУЛОСА

2026 йил бошида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолияти таҳлили Янги

Ўзбекистон устувор йўналишлари билан уйғунлашган барқарор саноат ривож модели шаклланаётганини кўрсатади.

Режавий кўрсаткичларнинг бажарилиши, “Долзарб 100 кун” дастурининг амалга оширилиши, сунъий интеллектни фаол жорий этиш ва комплекс-назорат тамойилларига риоя қилиш узок муддатли ўсиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Корхона нафақат мамлакат энергетик хавфсизлигини таъминламоқда, балки тармокки технологик янгиланишнинг драйвери сифатида миллий иқтисодиётнинг индустриал трансформациясига салмоқли хисса қўшмоқда. Бинобарин, модернизация, рақамлаштириш ва халқаро сифат стандартларига йўналтирилган стратегик сектор Ўзбекистоннинг янги индустриал киёфасини шакллантиришда ҳал қилувчи омилига айланыпти.

РАҚАМЛИ СУВЕРЕНИТЕТ

Юқори технологияларни жорий этиш масаласида корхонанинг фаол позицияси алоҳида эътиборга лойиқ. Бугунги кунда билимлар иқтисодиётига ўтиш ва реал секторда сунъий интеллектни кенг қўллаш масаласига эътибор қаратилмоқда.

Ушбу стратегик вазифага жавобан 2026 йил 23 январь куни БНҚИЗда “AI CHALLENGE: Завод келажаги сендан бошланади” корпоратив танловига старт берилди. Ташаббус рақамли ечимлар ички тизимни шакллантириш ва муҳандислик фикрлашни ривожлантиришга қаратилган амалий қадам бўлди.

Танлов ишлаб чиқариш ва бошқарувдаги амалий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган – катта маълумотлар таҳлили, машинали ўқитиш асосида технологик параметрларни прогноз қилиш,

ЙЎЛЛАРДАГИ ТЕМИР ПАНЖАРАЛАР ТОШКЕНТГА “ЎСН” БЎЛАДИМИ?

Тошкент кўчаларини айлансангиз, бир ҳолатга кўзингиз тушиши аниқ. Сўнгги пайтларда пойтахт йўлларида темир панжаралар қайта ўрнатила бошлади. Улар йўл ўртасида, кўп ҳаракат бўлган йўллар бўйлаб жойлаштирилмоқда. Маълум бўлишича, бу ҳукумат қарори асосида амалга оширилмоқда. Қарорга кўра, пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш мақсадида қабул қилинган.

Эсингизда бўлса, 2017–2018 йилларда шаҳар маъмурияти ва ИХХБ расман тўсиқлар ҳайдовчиларга ҳам, пиёдаларга ҳам халал бериб, кўринишни чеклаши ҳақида айтган эди. Орадан 7 йил ўтиши билан пойтахтимизнинг йирик кўчалари марказида металл тўсиқлар яна кўриниш бера бошлади.

2018 йилда Тошкент шаҳар ИХХБ расмий баёнотида таъкидланишича, 30 та кўчага ўрнатилган металл панжаралар нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар учун ҳам қийинчилик туғдирган. Уларнинг ўрнатилиши йўл ҳаракати хавфсизлигини оширмаган, аксинча, ҳатто светофор бор жойларда ҳам йўлни кесиб ўтаётганларнинг кўринишини чеклаб қўйган.

Шу маънода 2017–2018 йилларда шаҳарда йўл инфратузилмасини “очик” ва қулай қилиш сиёсатининг бир қисми сифатида кўплаб тўсиқлар бартараф этилди. Расмий баёнотларда улар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда қуттилган самарани бермагани айтилган. Айниқса, пиёдалар ўтиш жойлари ва светофорли чорраҳалар яқинида панжаралар кўринишни чеклаб, ҳайдовчи ва пиёда ўртасидаги ўзаро назоратни сусайтириши мумкинлиги қайд этилганди.

“ПАНЖАРАЛАР” ЯНА ҚАЙТМОҚДА...

Орадан вақт ўтиб, ўтган йили Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан, йўллар ўртасига темир панжаралар ўрнатиш учун яна маблағ ажратилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, мазкур чора-тадбирларнинг асосий мақсади Тошкент кўча ва йўлларида хавфсиз ҳаракат муҳитини яратиш, айниқса пиёдалар иштирокидаги йўл-



МУТАХАССИСЛАР ЭСА МУАММОНИ ФАҚАТ ТЎСИҚЛАР БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИБ БЎЛМАСЛИгини, БУНДАН КЎРА ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИНИ ЯХШИЛАШ, ЁРИТИШ ТИЗИМИНИ ҚУЧАЙТИРИШ, ТЕЗЛИКНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ШАҲАР МУҲИТИНИ ПИЁДАЛАРГА МОСЛАШТИРИШ САМАРАЛИРОҚ БЎЛИШИНИ АЙТИШМОҚДА.

транспорт ҳодисаларини камайитиришдан иборат бўлган. Бу ҳолат жамоатчилик ўртасида турли саволларни ҳам туғдирмоқда. Уларнинг тарафдорлари тартиб-интизомни таъминлаш, пиёдаларни белгиланмаган жойдан ўтишдан қайтариш ва транспорт оқимини бошқариш оsonлашишини таъкидламоқда. Мутахассислар эса муаммони фақат тўсиқлар билан ҳал қилиб бўлмаслигини, бундан кўра йўл белгиларини яхшилаш, ёритиш тизимини кучайтириш, тезликни назорат қилиш ва шаҳар муҳитини пиёдаларга мослаштириш самаралироқ бўлишини айтишмоқда. Бир йил муқаддам Gazeta.uz Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси



кўчалар ўртасига яшил ва бошқа ранглардаги тўрсимон панжаралар — “еврозабор”лар ўрнатишни бошлагани ҳақида хабар берган эди. Кўп ўтмай бу тажриба мамлакатнинг бошқа ҳудудларидаги ИХХБ бўлинмалари томонидан ҳам жорий этилди.

Ушанда идора вакиллари бу чоранинг асосий вазифаси сифатида пиёдаларнинг йўлни белгиланмаган нуқталардан кесиб ўтишини чеклаш, ҳаракат хавфсизлигини ошириш ҳамда одамларни фақат махсус жиҳозланган ўтиш жойларига йўналтиришни кўрсатган эди.

Расмий ҳужжатларда қайд этилишича, темир панжаралар ва қаварик “зебра”лар жорий этилишдан асосий мақсад — пиёдалар қатнашадиган йўл-транспорт ҳодисаларини камайитиришдир. Шундай бўлса-да, қаварик ўтиш жойлари тезликни пасайтириш орқали хавфни камайтиради, шунинг учун кенгроқ қўллаб-қувватланади, холос. Темир панжаралар эса омма ва мутахассислар орасида турлича фикрлар уйғотмоқда, уларнинг самарадорлиги ва аҳамияти бўйича қарашлар бир хил эмас.

ШАҲАРСОЗ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Шаҳарсоз мутахассисларнинг фикрича, пиёдаларнинг белгиланмаган жойдан ўтиши — инфратузилма етарли эмаслигининг белгиси. Яъни одамлар “қоидабузар” бўлгани учун эмас, балки қулай ва қисқа йўл танлагани учун шундай қилади. Агар ерости ёки ерусти ўтиш жойи узоқда бўлса, светофор фазаси ноқулай бўлса ёки тротуар узилиб қолса, пиёда барибир энг қисқа масофани танлайди. Панжара эса бу танловни чеклайди, аммо сабабни бартараф этмайди.

Масалан, яқинда kun.uz сайтида Германияда фаолият юритаётган шаҳарсоз Хусан Мўқимовнинг бу ҳақидаги қарашлари эълон қилинди. Шаҳарсоз 2015–2016 йилларда Тошкент давлат архитектура институтида дарс бергани, айнан шу йилларда тўсиқ, панжаралар ўрнатиш нафақат пойтахт, балки бошқа шаҳар ва вилоятларда ҳам авж олганини эслаган.

“Ушанда талабаларга ҳам айтганман: бу нарса шаҳар шароитига тўғри келмайди. Шаҳар архитектуравий қиёфасини бузади. Умумий шаҳарсозлик принциплари ёки умумий шаҳарнинг урбанистика жиҳатдан ривожланиш қиёфаларига тўғри келмайди. Норматив ҳужжатларимизда ҳам тўсиқ қўйишни кўрмаганман. Бўлган тақдирда ҳам, шаҳар ташқарисида – ҳаракат тезлиги юқори бўлган жойларда қўйилиши лозим, – дейди у.

ПИЁДАЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Мавзу бўйича пиёдаларнинг бу борадаги фикри билан қизиқдик.

Айрим пиёдалар, айниқса, ота-оналар ва ёши катталар, панжаралар болаларни йўлга тўсатдан чиқиб кетишдан сақлаши мумкинлигини тан олади. Улар учун тўсиқ маълум даражада психологик хавфсизлик ҳиссини беради.

Бироқ бошқаларнинг фикрича, агар автомобиллар тезликни пасайтирмаса, панжаранинг ўзи хавфсизликни кафолатламайди. Бир нечта респондент айнан тугмали светофорлар билан жиҳозланган пиёдалар ўтиш жойларини кўпайтиришга чақирди.

Баъзи юртдошларимизнинг фикрича, панжаралар айрим ҳолларда аравачада ҳаракатланувчилар, кўзи ожизлар ёки ёши катта инсонлар учун қўшимча ноқулайлик туғдириши мумкин. Узоқ айланиш, ерости ўтиш жойларидан фойдаланиш зарурати улар учун анча қийин кечади.

Пиёдалар орасида панжараларга муносабат бир хил эмас. Кимдир уни тартиб воситаси деб билса, бошқалар эркин ҳаракатни чекловчи ва муаммонинг илдизини ҳал қилмайдиган чора сифатида баҳолайди. Аммо деярли барча фикрларда бир нуқта бор: хавфсизлик фақат тўсиқ билан эмас, балки тезлик назорати, қулай ўтиш жойлари ва ўзаро ҳурмат маданияти билан таъминланиши керак.

ЎЗХДП ДЕПУТАТИ ҲОКИМГА СЎРОВ ЮБОРДИ

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров Тошкент шаҳар ҳокими Ш.Б.Умурзоқовга депутатлик сўрови юборди.

– Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига ҳар томонлама қулай муҳит яратиш борасида кейинги йилларда муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Пойтахтимиздаги ижобий ўзгаришлар халқимиз, турли давлатлардан келган меҳмонлар томонидан эътироф этмоқда, – дейди депутат Анвархон Темиров. – Шу билан бирга, автомобил йўлларида рўй бераётган айрим ўзгаришлар аҳоли вакиллари, мутахассис ва экспертларнинг турли фикр-мулоҳазаларига, эътирозларига ҳам сабаб бўлмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2025 йил 20 майдаги шунингдек, 2025 йил 21 июлдаги қарорларига мувофиқ, Тошкент шаҳрида кўча ва йўллар бўйлаб темир панжараларни ўрнатиш учун жами 8,4 млрд сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бироқ, Тошкент кўчаларида бир неча йиллар олдин йўналишларни ажратувчи шу каби темир панжараларни ўрнатиш борасидаги амалиёт Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан пиёдалар ва йўловчиларга хавф туғдириши тан олинган эди ҳамда йўналишларни ажратувчи ушбу панжаралар олиб ташланганди. Аммо, шу кунларда, яна эски ва



хавфли, деб тан олинган амалиётга қайтиб, Мирзо Улугбек кўчасида янги панжаралар ўрнатилди, кейин бир



БАЪЗИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ФИКРИЧА, ПАНЖАРАЛАР АЙРИМ ҲОЛЛАРДА АРАВАЧАДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИЛАР, КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЁКИ ЁШИ КАТТА ИНСОНЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА НОҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРИШИ МУМКИН. УЗОҚ АЙЛАНИШ, ЕРОСТИ ЎТИШ ЖОЙЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРАТИ УЛАР УЧУН АНЧА ҚИЙИН КЕЧАДИ.

ҳафта ўтиб олиб ташланди. Бу эса ўз навбатида кенг жамоатчиликда, жумладан, Халқ демократик партияси электорати орасида ҳақли эътирозларни келтириб чикарди.

ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга кўра, бу панжаралар пастлиги сабабли олиб ташланган, тез орада бошқатдан баландроқ панжара ўрнатилиши кутилаётгани таъкидланмоқда.

Аҳоли вакиллари панжара ўрнатиш орқали ҳаракатни чеклаш эмас, балки автомобиль йўлларидан ўтиш жойларини самарали ташкил этиш ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш борасида ўз таклифларини билдирмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги асосли саволлар юзага

- келмоқда:
1. Тошкент шаҳри кўча ва йўлларида йўналишларни ажратувчи темир панжаралар ўрнатилиши ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга, пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилиши қандай асосланган?
 2. Темир панжаралар ва бошқа тўсиқлар ўрнатиш масаласида экспертлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганми, уларнинг фикрлари олинганми? Бу борада илмий асосланган ва таҳлилий маълумотлар мавжудми?
 3. Нима сабабдан яна бошқатдан кўплаб давлат маблағлари сарфланиб, пиёдалар ва йўловчиларга хавф туғдириши тан олинган амалиётга – йўналишларни ажратувчи темир панжараларни ўрнатишга қайтилмоқда?
 4. Аҳоли зич жойлашган ва кўп ҳаракатланадиган кўчаларда пиёдалар осон ва тез кесиб ўтишини таъминлаш, пиёдалар ўтиш жойларини ташкил этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
 5. Ҳозир ўрнатилаётган панжара тўсиқлар қайси норматив-ҳуқуқий асос ва стандартлар бўйича лойиҳаланган ва амалга оширилмоқда?

Бу каби темир панжараларни ўрнатиш йўлларда пиёдалар ва йўловчилар хавфсизлигини кафолатлайдими?

Ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида пойтахт кўчаларида йўналишларни ажратувчи темир панжаралар ўрнатилиши масаласида шаҳар ҳокимига депутатлик сўрови юбордим. Ҳокимнинг ушбу сўровга жавоби орқали нафақат қарорлар қанчалик самарали экани баҳоланади, балки кейинги қадамлар — инфратузилмани қайта қўриб чиқиш, қулай ва хавфсиз йўллар қуриш, пиёдаларни белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтишдан қайтариш бўйича оптимал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун муҳим, деб ўйлайман. ***

Албатта, депутатлик сўровлари ва жамоатчилик фикри бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шаҳар ҳокимлигига қарорларнинг асосланишини ва самарадорлигини таъминлашда ёрдам беради. Шу тарзда, панжаралар ва инфратузилма ислохотлари, шу билан бирга инсон ҳаракати ва хавфсизлик маданиятига эътибор қаратилса, Тошкент кўчаларидаги ҳаракат тартиби ва хавфсизлик даражаси сезиларли даражада яхшиланиши мумкин.

Қисқача айтганда, панжаралар фақат қисқа муддатли чора, узоқ муддатли ва самарали ечим эса комплекс инфратузилма, жамоат фикри ва тизимли назоратни талаб қилади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.



ПАРТИЯ ФАХРИЙЛАРИ



ИНСОН ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА ЯШАЙДИ

Бир гуруҳ меҳмонлар билан Ўшорга бормоқчи бўлдик. Замонавий уловда йўлга чиқдик. Ўшор – Денов тумани марказидан қарийб 45-50 километр олисда жойлашган маҳалла.

Хисор тоғ тизмалари бағридаги мафтункор манзаралар киши ҳавасини келтиради. Йўл-йўлакка номлари ажабтовур Даҳана, Ойбарак, Куёвсув ва Сина қишлоқларининг қир-адирлари янгиланиш фаслидан дарак берса, Ўшорда ҳамон киш ҳукм сураётганини кўриш мумкин. Чор-атроф оппоқ қор, қалинлиги 30-35 сантиметрдан кам эмас. Чўққиларда ҳатто 2-3 метргача қор ёққанини айтишди шу ерлик одамлар.

– Бағрикенг ва оққўнғил элимиз бор, – дейди ўшорлик фахрий партиядошимиз Нормаҳмад Мирзалиев бизни илққ қарши оларкан. – Ўзига хос табиатимиз эса алоҳида мавзу. Узум, олма, ёнғоқ, нок, анор каби ўн турдан ортиқ меваларимиз ички бозорни тўлдириш билан бир қаторда хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Тожикистон-у Россиядан тортиб, Европа мамлакатларигача етказилади. Шифобахш ўсимлик ҳамда доривор гиёҳлар Испания, Италия, Франция, Нидерландиягача жўнатилаётганига кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Аммо бу ҳақиқат.

Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаётган Нормаҳмад ота фаолияти билан янада яқиндан танишиш мақсадида тоғлар этакига йўл олдик. Илон изи ва ўнқир-чўнқир йўللاردан юқорига одимлар эканмиз, борлиқнинг ўзига хос гаройиб тилсимоти ва мусаввирлиги қойил қолдирди бизни. Ўнгирларнинг “соя бет”идаги қорлар кўзларни қамаштирган бўлса, ёнгинасидаги офтобрўй жойлар аллақачон қуригани шундоқ кўриниб турарди.

Сафдошимиз раҳбарлик қилаётган “Зайниддин-Шарофиддин-Мирзалиев” фермер хўжалигига 2007 йилда асос солинган экан. Тасарруфиди қарийб 35 гектар ер майдони бор. Унинг 8 гектарига узум, 8 гектарига олма экилган. Қир ва адирларнинг бир қисмига терак, арча, тол, бута ҳамда чала бута етиштирилаётган бўлса, бошқа тарафдаги мўъжаз жойда доривор ўсимликлар парвариш қилинапти. Чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик йўлга қўйилган. Сабзавот маҳсулотларидан тортиб, мева-чевагача хонадондан чиқади. Рўзгорлар обод, кўнгиллар хотиржам.

– Ободлик ва фаровонлик замирида сермашаққат кўнлар борлигини кўпчилик яхши билади. Уйқусиз тўнлар ва ўзига яраша оворагарчиликларни айтмайсизми? Шулардан бири ҳақида тўхталмоқчиман: биздан 10-12 километр олисда “Булунғур” дараси жойлашган. Боғ ташкил қилинган йиллари сувдан қийналдик. Мевали ва манзарали дарахтларнинг бир қисми қуриб кетди, денг. Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўргандик ўшанда. 2010 йилдан кейин

“Булунғур”дан елим қувурлар орқали сув олиб келинди. Бу биз учун ҳам, қишлоқдаги 5 мингга яқин аҳоли учун ҳам, қўшни фермерлар учун ҳам айни муддао бўлди, – дея давом этади Нормаҳмад ота. – Биласизми, Ўшор қадимдан шириндан-шакар узуми ва хуштаъм олмаси билан ном қозонган. Тилларанг товланувчи майизлар доврўғи дунёга кетган. Ҳар йили хорижий мамлакатларга 3 минг тоннадан ортиқ ноз-неъмат экспорт қилинади. Бу қувонарли, албатта. Агар Ўшорда бу маҳсулотларни сақлайдиган кичик-кичик совуткич ёки омборхоналар ташкил қилинса борми, ҳам даромад ортарди, ҳам кўплаб янги иш жойлари очилади. Иккинчидан, қишлоққа саноатни олиб кириш зарур. Жанубнинг иссиқ тафтига тўйинган сарҳил меваларимиз қайта ишланса, ҳатто жаҳон бозорида ўз ўрнини топишига ишонаман.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ёшлари ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бугуннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада ҳам сафдошимиз ўрناق бўлаётгани қувонарли. Ҳозирги кунда “Зайниддин-Шарофиддин-Мирзалиев” фермер хўжалигида ўн нафарга яқин киши меҳнат қилаётган бўлса, экин-тикин мавсумида бу рақам 25-30 кишини ташкил қиларкан.

– Худудимизда 8 минг 600 дан ортиқ аъзони бирлаштирган 67 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Денов туман

кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. – Сафдошларимизнинг ўттиз фоиздан ортиғи ёки 1 минг 800 нафарга яқинини ўттиз ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти навқирон авлод вакилларига боғлиқ экан, фахрий партиядошимизнинг ҳаёти ва фаолияти бу ёшларимиз учун ҳаққиқий ибрат мактаби бўлишига ишонамиз.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Адолат Холтўраеванинг айтишича, сўнгги ўн йилда тоғли, чекка манзиллардан бири бўлган Ўшорда кўркам тиббий муассаса, муҳташам мактаб, замонавий мактабгача таълим даргоҳи қурилди. Йигирмага яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Бунга ХДП фахрийси Нормаҳмад Мирзалиев ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Денгиз сатҳидан қарийб 3 минг 500 метр баландда жойлашган қароқор ерни боғ-у бўстонга айлантиришнинг ўзи бўладими ахир?! Қир ва

адирларда ҳар бири 120 тонна сув сиғимига эга 6 та сунъий ховуз қуриб, балиқчиликни ташкил қилиш машаққати-чи? Ўнқир-чўнқир манзилда 4 километрдан ортиқ йўл барпо қилиш, 8 гектарли узумзорда томчилатиб сўғоришни йўлга қўйиш ҳам осон эмас.

– Меҳнат қилган ҳузур ва эътибор топади, – дейди Нормаҳмад Мирзалиев. – Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Кўнглим тоғдек кўтарилди...

Ҳар бир инсон орзулар қанотида яшайди. Етмиш ёшни қарши олаётган партиядошимиз Нормаҳмад Мирзалиев тўлқинланиб гапирар экан, эзгу амаллари замирида ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуси мужассамлигини яна бир бор ҳис этдик.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**



САРҲИСОБ

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллиги фуқаролик жамиятининг ёрқин белгиси бўлиб, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини таъминлашда, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Шу маънода, юртимизда ижтимоий сиёсатни ривожлантириш, таълим дастурларини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, жамиятнинг ҳуқуқий, маданий савиясини ошириш, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик муаммоларни юмшатиш каби долзарб йўналишларда натижадор ташаббусларни рўёбга чиқараётган нодавлат ташкилотлар сафи кенгайиб бораётгани диққатга молик, албатта.

Ўзбекистон “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди ҳам халқимиз саломатлиги йўлида ана шундай ҳаётий лойиҳалари билан давлат ҳамда жамият равнақига ҳисса қўшиб келаётган ташкилотлардан бири.

Фонд ўтган йили ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, вилоят ҳокимликлари, йирик тиббиёт марказлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилди.

Унинг вилоят, шаҳар ва туман ваколатхоналари ҳамда ҳудудий муассасалари фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, касалликка чалинган беморлар учун малакали шифокорлар маслаҳати ва даволаш ишларини уюштириш, тиббиёт муассасаларини тиббий буюмлар ҳамда муҳтож оилаларда яшовчи фуқароларни дори-дармон билан таъминлаш бўйича қатор хайрли ишларни амалга оширди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган хирургия, эндокринология, травматология ва ортопедия, кардиология, онкология

ХАЙРУ МУРУВВАТГА УЙҒУН ТАШАББУСЛАР ДАВОМ ЭТАДИ



илмий-амалий тиббиёт марказлари, турли сихатгоҳлар, шунингдек, Туркия, Ҳиндистон давлатининг тиббиёт муассасаларида беморларнинг жарроҳлик амалиёти ва диагностикаси, даволанишлари учун ёрдам кўрсатилди. Шу билан бир қаторда, фонд меҳр-шафқатга йўғрилган табдирларни давом эттириб, ёши улўғ, ёлғиз қариялар, қаровчиси ва боқувчиси бўлмаган оилаларга моддий-маънавий кўмаклашиш, эҳтиёжмандларга дори-дармон воситалари етказиш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг таълим олишлари учун шартнома тўловлари, бахтсиз ҳодисалардан азият чеккан, уй-жойи яроқсиз ҳолга келиб қолган шахсларга уй-жойини таъмирлаш учун беғараз маблағлар ажратилди.

Айниқса, фонднинг “Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда туғма ретинопатия касаллигини эрта аниқлаш, ташхислаш, ўз вақтида самарали даволаш орқали ногиронлиқнинг олдини олиш” ижтимоий лойиҳаси парламент комиссия қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат

ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 6,5 миллиард сўм миқдориди молиялаштирилди.

Айтиш керакки, лойиҳанинг устувор йўналиши республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, муддатига етмасдан туғилган чақалоқларда кўзи ожизлиқнинг олдини олиш, алоҳида тиббий кўрсатмаларга асосан ҳомиладорлар ва чақалоқларга ҳудудларда консултатив ёрдам бериш ва зарур ҳолларда уларга тиббий стационар ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Мазкур лойиҳа доирасида буюртмачи ва ҳамкор – Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда салмоқли ишлар амалга оширилди. Йил якунларига кўра, давлат ижтимоий буюртмаси талабларига асосан Болалар миллий тиббиёт маркази, Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоят ва Тошкент шаҳар перинатал марказларига педиатрик неонатал ретинал камера ўрнатилди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни

ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда жамоат фондининг ҳудудий муассасалари фаолияти ҳам алоҳида эътирофга лойиқдир. Хусусан, мурувватга муҳтож оилаларни, шифохоналарда даволанаётган, моддий етишмовчиликдан қийналган кишиларни, ногиронлиги бор шахсларни дори-дармон, озик-овқат, кийим-кечаклар билан таъминлаш борасида Қашқадарё, Фарғона, Жиззах ҳудудий муассасалари ташаббусларини намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Мисол учун, Қашқадарё вилоят ҳудудий муассасасининг давлат ижтимоий буюртмаси асосидаги “Муддатидан олдин ва кам вазн билан туғилган чақалоқларни парваришлашда юқори технологияли тиббий аппаратлардан самарали фойдаланиш” лойиҳаси 950 миллион сўм миқдориди грантни қўлга киритди. Лойиҳага мувофиқ қўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ бугунги кунга қадар ушбу воҳада 1 минг 287 нафар кам вазнли чақалоқнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳозирда бу болажонлар ота-оналари бағрида.

Умуман олганда, 2025 йил якунига кўра, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг хайрия ҳамда ҳомийлик харажатлари 8 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди. Ушбу рақамнинг ўзиёқ фондининг жамият ҳаётидаги, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида олиб борган ишлари кўламини яққол кўрсатиб турибди.

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди 2026 йилда ҳам ўз олдиға қўйган эзгу ғоя ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда долзарб ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётға изчил татбиқ этишни мақсад қилиб белгиланган.

**Захриддин МЎМИНОВ,
“Меҳр-шафқат ва саломатлик”
жамоат фонди масъул ходими.**



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

ТАҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 237. 2712 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.